**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ташаббускор:**
***Омонов Нуриддин Тўйчи ўғли***
**_______________(имзо):**
**«___»_____________ 2021 й.**

# БИЗНЕС РЕЖА

## Каттақўрғон ДУХ Энамяхши бўлими, Нуробод ДУХ Саройқўрғон бўлими ва Сув хўжалиги ҳудудида Агротуризм фаолиятиниташкил этиш ҳамда тадбиркорлик сохасида чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантириш лойихаси

**САМАРКАНД – 2021 Й.**

# ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРХИ

| | |
|---|---|
| **Лойиҳанинг қисқача мазмуни:** | Каттақўрғон ДУХ Энамяхши бўлими, Нуробод ДУХ Саройқўрғон бўлими ва Сув хўжалиги ҳудудида Агротуризм фаолиятиниташкил этиш ҳамда тадбиркорлик сохасида чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантириш лойихаси |
| **Лойиҳа ташаббускори:** | **Ташаббускор: Омонов Нуриддин Тўйчи ўғли** |
| **Ташаббускор** ***(Паспорт маълумотлари):*** | *Ташаббускор 14.02.1994 йилда Самарқанд вилояти Нуробод туманида туғилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси* ***Омонов Нуриддин Тўйчи ўғли*** *Паспорт серияси АВ6895563 15.06.2017 йилда Нуробод тумани ИИБ томомнидан берилган* |
| **фаолият манзили:** | Каттақўрғон ДУХ Энамяхши бўлими, Нуробод ДУХ Саройқўрғон бўлими ва Сув хўжалиги ҳудудида |
| | |
| **Банк реквизитлари:** | |
| Банк | |
| Хисоб раками | |
| МФО | |
| СТИР | |
| **Лойиха суммаси** | ***446 900 000 сўм*** |
| **Кредит маблағлари ҳисобидан 0 %** | ***0 сўм*** |
| **Шахсий маблағи 100 %** | ***446 900 000 сўм*** |
| **Кредит шартлари:** | |
| Кредит муддати | ***7йил*** |
| Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси | ***15 %*** |
| Кредитнинг имтиёзли муддати | ***36 ой*** |
| **Лойиҳанинг самарадорлик курсаткичлари** | |
| **Соф фойда** | **1 йилда – 264 492 166сўм**<br>**2 йилда – 162 102 750сўм**<br>**3 йилда – 193 979 976сўм** |
| **Лойиҳанинг соф рентабеллиги** | ***17 %*** |
| **Лойиҳанинг тўла ўзини оқлаш муддати** | ***4 йил*** |
| **Яратиладиган янги иш ўринлари сони** | ***8 та*** |
| **Мавсумий иш ўрни** | ***30 та*** |

# КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустакилликка эришгач ўз олдига ***“бозор иктисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли хукукий – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”***дек олий мақсадни кўзлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлашда хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Президент қарори, 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4933-сонли, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил  5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 майдаги “Давлатга тегишли объектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 295-сонли қарори 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорларини келтиришимиз мумкин.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли,2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли, қарорлари, 2019-йилни “**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**” деб элон қилингани  юртимиздаги барча тадбиркорларга имконият ва шароитлар яратиш, махсус давлат дастурларини кабул килиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан кишлокларда ахолини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг накадар тугри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Козогистон ва бошка мамлакатларнинг бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан куриб уз мамлакатларида куллаётганлиги, бу масалаларга  якин йиллардан бошлаб эътибор берилаётганлиги ва иш олиб бораётганлиги бунинг яккол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали

фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси, транспорт, иккинчиси логистика, деб таъкидлади Президентимиз.

Йиғилишда қайд этилишича, 2017 йилнинг 9 ойи якунига кўра, қарийб 1 миллион 800 минг сайёҳ юртимизга келган. Бу 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоиз кўпдир. Мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳам 17 фоиз кўпайиб, 1 миллиард 86 миллион долларни ташкил қилган. Йил охирига қадар мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 2,5 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда туризмнинг янги истиқболлари очилиб, турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда альпинизм, отда, туяда, велосипедда саёҳат қилиш, off-road сайёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда.

Фармонда белгилаб берилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекстон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон туризм салоҳиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган 16 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида туризм соҳаси субъектларига сезиларли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда бошқа енгилликлар тақдим қилинди.

Мамлакатимиз туризм тармоғини Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида туризм терминологияси ва меҳмонхона хўжаликлари хавфсизлиги талаблари бўйича янги 2 та давлат стандарти ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўтказилди.

Булардан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарори билан ҳудудларда туризм соҳасининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳокимларининг туризм масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш ҳамда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг ҳудуди 10 гектардан иборат "Қадимий Бухоро" ва "Самарқанд сити" туризм ҳудудларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон-Ангрен туризм кластерлари ҳудудларида меҳмон уйларини ташкил этиш бўйича комлпекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда амалиётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Қарорга кўра, 2018-2019 йилларда соҳа олдида турган муҳим масалалар ечимига бағишланган алоҳида дастур тасдиқланди ва унинг тўлиқ ижросини таъминлаш ва соҳада олиб борилаётган ишларни идоралараро мувофиқлаштириш мақсадида Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши тузилди.

Дастур асосида юқоридаги каби алоҳида туризм ҳудудлари Тошкент, Урганч шаҳарларида ва Фарғона вилоятида ташкил этилиши белгиланган.

Шунингдек, дастур доирасида туризмнинг тиббий, рекреация, агро ва экотуризм йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам белгилаб қўйилди.

Замонавий туризм истиқболларидан бири – ноёб табиий масканлар ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда экотуризм энг ривожланган етакчи давлатдир. Юртимиз бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетакрор ландшафт манзараси, миллий анъаналар ва таомлар ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келади. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи, унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зоналарида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ва

бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, чартер рейслар ва темир йўлларда қатновлар сонини кўпайтириш, туризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини мукаммал ўзлаштириш, ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик объектларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимизда туризм йўналишида мутахассислар тайёрловчи 5 олий ўқув юрти, жумладан, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда ўндан ортиқ ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси сайёҳлик соҳасида таълим олаётган ёшлар, соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг Европа ҳамда Осиёнинг йирик сайёҳлик марказлари ва ўқув юртларида малака оширишига кўмаклашмоқда.

Соҳа истиқболида яна бир муҳим жиҳат – бу ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат. Бу борадаги изчил ишларни амалга оширишда мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, ҳудудлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва жараён изчил давом этмоқда.

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланишида хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир юзлаб тадбиркор ва ҳунармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, улар сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Туризмни ривожлантиришда хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманлари муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио, Лондон, Москва, Истанбул каби дунёнинг йирик шаҳарларида қатор кўргазмалар ташкил этмоқда ёки халқаро кўргазмаларда қатнашмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртимизга оқими тобора кўпаймоқда.

Йиғилишда туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, уларга имтиёзлар тақдим этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, янги сайёҳлик маҳсулотлари турини кўпайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мутасадди қўмита, вазирлик ва идоралар раҳбарларига сайёҳликни мавсумий эмас, балки йил давомида даромад манбаига айлантириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, сайёҳларни жалб қилишда янгича усул ва ёндашувлардан самарали фойдаланиш, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

# ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

Ушбу бўлимда лойиҳа ҳақидаги батафсил тўхталиб ўтилади. Жумладан, лойиҳанинг самарадорлиги, танланишининг асосий сабаблари ва параметрлари, кўзланган мақсадлар асосланиб ташкилотчилар ва лойиҳанинг қисқача мазмуни ҳақида маълумот берилади.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, бўш иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, замонавий ва сифатли туристик хизматлар кўрсатиш ҳисобланиб, Самарканд вилояти, Нуробод тумани ўрмон хўжалиги Саройқўрғон бўлими ҳудудида Агротуризм фаолиятини ташкил этиш ва шу билан бирга аҳолини ижтимоий-иқтисодик аҳволини келиб чиқишидан даромадлари оиши ва ушбу комплексда ишсиз аҳоли қатлами усун доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилади. Ушбу ажратилиши режалаштирилган ер майдонида барпо этилиши режалаштирилаетган экомаскан фаолиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий мехмонларга туристик хизматлар кўрсатишни назарда тутади.

Комплексда эко туризмга мўжалланган ўтовлар, дам олиш чорпоялари, ва мехмонлар мароқли дам олишлари барча кунгил очар хизматлар ташкил этилади ва ушбу комплексда катта хаждаги чорвва боқиш майдони хамда мевали ва манзарали дарахтлар боғи яратилади ушбу боғда писта ва бодом боғи, турли хил тураги мева дарахтлари ва пиллачиилк учун тутзор хам ташкил этилади ва келадиган мехмонларга юқори сифатли хизматларни кўрсатиш ва бошқа шунга ўхашаган экомасканларга нисбаттан арзон устама бахолари кўйилиб ахоли ва хорижий мехмонларни мароқли дам олишларини таъминолашни режалаштирган

Ташриф буюрадиган мехмонларни ўзбек маданияти билан яқиндан танитириш, уларни ҳақиқий ўзбек урф одатлари атмосферасини хис қилишлари учун комплекс ички қисми миллий усулда жихозланади ва миллий ананаларимизни акс эттирадиган экстериер ва интериерлар билан жихозланади. Бу эса меҳмонларнинг мароқли дам олишларини таъминлайди.

Тадбиркор лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни ўз маблағлари хисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, зарурий холларда банк имтиёзли кредитларидан ҳам фойдааниши мумкин қисқа муддатда ўз фаолияти рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятига эга бўлган бутунлай янги корхонага айлантиришни режалаштирилган.

Вилоятимиз ҳудудида меҳмонхоналарнинг кўплиги, халқимизга ва туристларга хизмат қилаётганлиги диққатга сазовор. Тадбиркорнинг мақсади очилиши кўзда тутилаётган экомасканда хорижий ва махаллий мехмонларга Ўтов мехмонхоналари ва дам олиш маскани фаолияти асосида сифатли ва арзон хизматлар хамёнбоп нарх хамда мехмонларнинг мароқли дамолишларини таъминлашни режалаштирган

Ташаббускор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида нафақат вилоятимиздаги балки республикамизда сўнгги йилларда сифатли туристик хизматларга бўлган талаб хамда ахолини сифатли махсулотларига бўлган талаби юқорилиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Мавжуд талаблардан келиб чиққан холда замонавий талаб даражасидаги сифатли хизмат кўрсатиш ва махсулот етиштириш фаолиятини вилоятимизда ташкил этиш ва уни арзон нархларда аҳолига таклиф қилиш, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилади. ташаббускор янгидан барпо этиладиган замонавий куринишдаги барча кулайликларга эга булган комплексда хизмат кўрсатиш ва махсуло этиштириш фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига максад килиб куйди.

Тажриба шуни курсатмокдаки, аҳолига сифатли

туристик хизматлар кўрсатиш хамда махсулот этиштириш ҳажми юқори бўлишига қарамасдан харидорларнинг, айниқса туристлар ва махаллий ахоли сони кундан-кун ортиб бормокда. Вилоят худудида эгалланган мавкейини республика миқёсида мустахкамлаш ва кенгайтириш, ўз хизматлари ва махсулотлари билан энг таниқли компаниялардан бирига айланиш максадида тадбиркор асосий эътиборни юкори сифатли ва халқоро стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб хисоблайди.

Бугунги кунда комплексни тўлиқ қуриш ва қўшимча жиҳозлаш ишлари учун **446 900 000** (Етти юз миллион ) сўм ўзмаблағи хисобига қуриб жихозлашни кўзда тутади.

Лойиха уч боскичда амалга оширилиши кузда тутилган:

**1 БОСКИЧ – Тайергарлик ишларининг ташкил этилиши**

**Вакт оралиги:** 1 ой.

**Килинадиган ишлар:** Ажратилган ер майдонлари хужжатларини тайёрлаш, фаолиятни кенгайтириш ва ривожлантиришнинг иктисодий асоси хисобланган бизнес – режани ишлаб чикиш ва ажратилган ер майдонини ўзлаштириш учун зарурий булган бошка таййергарлик ишларини амалга ошириш.

**2 БОСКИЧ: Ер майдонини Ўзлаштириш.**

**Вакт оралиги:** 1-2 ой

**Килинадиган ишлар:** Ажратилган нр майдонларидан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу ер майдонида амалга оширилиши кузда тутилган ишларни тулик амалга ошириш. Қурилиш махсулотлари ва жихозларни етказиб берувчиларни аниклаш, керакли маҳсулотлар харид қилиш ва жихозлаб иш фаолиятини ташкил этиш. Режалаштирилаётган фаолиятни тулик ишга туширилиши учун барча имкониятларни яратиш.

**3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йулга куйилиши.**

**Килинадиган ишлар:** Тулик тижорат фаолиятини йулга куйилиши ва иш билан таъминланган ишчилар ойлик маошида узулишларсиз ва иш фаолиятини янада кенганйтириш ва ривожлантириш учун узлуксиз 15 йил хизмат кўрсатиш ва

маҳсулот етиштириш фаолияти билан шуғулланиб, келажакда туристик хизмат кўрсатиш линиясини кенганйтиришни режалаштирмоқда

***Ракобатчилар тахлили***

**Жадвал № 1**

| Ракобатчилар номи | Давлат номи | Нархи | Хизмат кўрсатиш қуввати |
|---|---|---|---|
| Вилоятимиздаги ушбу фаолият билан шугулланувчи тадбиркорлар | Ўзбекистон | Урта | Йиллик 1,0-1.2 млрд.сўм |

***МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4P»***

| | |
|---|---|
| ***Produkt-Махсулот***<br>Сифатли, экспортбоп туристик хизмат кўрсатиш ва маҳсулот етиштириш | ***Price-нарх***<br>Нарх қўйиш тамойили харидорларнинг талабидан Келиб чикиб белгиланади. |
| ***Place-Жой***<br>Бизнес худуд-корхона Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва маҳсулот етиштириш фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан Ўзбекистон ва хорижий давлатлардан мехмон кутиб олиш имконияти мавжуд. | ***Promotion -Ҳаракатланиш***<br>Тадбиркор ўз пештахта, афишалар, телевидения оркали реклама ва |

**Жадвал № 2**

## БОЗОР ТАЛАБИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида ахолининг ушбу хизмат кўрсатиш ва маҳсулот етиштириш фаолиятига бўлган талабга айтилади. Ушбу хизмат кўрсатишга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлиши ҳудуддаги ижтимоий аҳволнинг яхшиланиб бориши ва аҳоли даромадларининг ўсишига ҳамда хорижий мехмонларни ушбу мамлакатга бўлган қизиқишига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда арзон нархли сифатли хизмат кўрсатишга талаб катта.

**<u>Потенциал талабга куйидаги омиллар ўз таъсирини утказади:</u>**

1) Бозорда таклифнинг талабдан кам булиши (хизмат дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, ахолининг дефицитга айланган хизматга эътибори ва интилиши ошишига олиб келади.

2) Ахоли турмуш даражаси – яъни ахоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий ахволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб булади.

3) Ижтимоий сиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.

4) Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

5) Юқоридаги омилларга ухшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иқтисодий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар хам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

## SWOT ТАҲЛИЛИ

**Жадвал № 3. Хизмат кўрсатиш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

| Афзалликлар (Strengths) | Заифликлар (Weaknesses) |
|---|---|
| ✓ Нархнинг нисбатан пастлиги.<br>✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик<br>✓ Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги<br>✓ Рақобатбардошлилик<br>✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик. | ✓ Ташқи омилларга таъсирчанлик<br>✓ Харидорлар ишончини ва хизмат кўрсатиш куникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар<br>✓ Дастлабки босқичда қаттиқ рақобатга таъсирчанлик |
| **Имкониятлар (Opportunities)** | **Тусиқлар (Treats)** |
| ✓ Четдан кушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги<br>✓ Туристлар ва зиёратчилар сони кўплиги<br>✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва купайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к. | ✓ Юзага келиши мумкин булган ғирром рақобат<br>✓ Дастлабки вақтда хизмат кўрсатишни ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.<br>✓ Ва. х. к.. |

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

## ЛОЙИҲАНИНГ ИШЧИ РЕСУРСЛАРИ ЭҲТИЁЖИ

Ушбу лойиханинг ишчиларга булган талаби 8 кишини ташкил қилади. Ишчиларининг иш вакти 8 соатлик ҳафтасига 6 иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вакти хисобида булади.

Бундан ташқари 30 кишилик мавсумий иш ўринлари яратилади

Корхона хизмат кўрсатиш фолиятини амалга ошириб, ишчи ва ходимларига бир ойда **33 100 000** сўм ва бир йилда **181 200 000** сўм иш ҳаққи беришни режалаштирган.

## ЛОЙИҲАНИНГ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

Самарқанд вилояти Нуробод туманида жойлашган манзилда барча коммунал тармокларга уланишга қулай бўлиб, сифатли хизмат кўрсатишва маҳсулот етиштириш учун барча шароитлар мавжуд. Қурилиши режалаштирилаётган ушбу мажмуада транспортлар катнови йулга куйилиб, қулай жойда жойлашган. Хизмат кўрсатиш учун электр энергияси таъминотидан фойдаланилади. Бунда коммунал харажатлар уртача йиллик **17 319 120** сўмни ташкил килади.

## СОЛИКЛАР ВА БОШКА ЙИГИМЛАР

Лойихага асосан солик туловлари асосан икки турда булиб, бири ишчилар иш хакидан солик туловлари  ва иккинчиси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганлик учун ягона солик туловидан  иборат. Барча солик туловларининг хисоби молиявий булимда келтирилган.

## БЮДЖЕТ ТУЛОВЛАРИ ХАКИДА МАЪЛУМОТ

**Жадвал № 5.**

| **Тулов тури** | **1- йил** | **2- йил** | **3-йил** |
|---|---|---|---|
| Ягона ижтимоий тўлов (ишчиларнинг иш ҳақига нисбатан) 12% | 21 744 000 | 23918400 | 27506160 |
| Ягона солиқ тўлови 4% | 61 661 600 | 64 744 680 | 71 219 148 |
| **Жами:** | **83 405 600** | **88 663 080** | **98 725 308** |

Ташаббускор йилига **83 405 600** сўм маблағ давлат буджетига солиқ сифатида тўловни амалга оширишни кўзда тутулмокда.

## ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

## ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ҲАРАЖАТЛАРИ

Ташаббускор ўз маблағларини қуйидагича сарфлашни режалаштирган ва бу мамлағларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини ўз зиммасига олади.

**Жадвал № 4. Умуминвестицион ҳаражатлар**

| **№** | **Номланиши** | **Жами** | **1 йил** | | | | **2 йил** | | | | **3 йил** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 чорак | 2 чорак | 3 чорак | 4 чорак | 5 чорак | 6 чорак | 7 чорак | 8 чорак | 9 чорак | 10 чорак | 11 чорак | 12 чорак |
| 1 | Комплекс атрофини ўраш | 81.9 | 0,0 | 26,9 | 30,0 | 25,0 | | | | | | | | |
| 2 | Чорва ва боқиш binолари харажати | 110.0 | | | | | 43,0 | 35,0 | 15,0 | 17,0 | | | | |
| 3 | Мева боғларини барпо этиш харажати | 45.0 | | | | | | | | | 15,0 | 10,0 | 10,0 | 10,0 |
| 4 | Писта ва бодом боғи барпо этиш харажати | 50.0 | | | | | | | | | 20,0 | 10,0 | 10,0 | 10,0 |
| 5 | Ўтов мехмонхоналар барпо этиш харажати | 100.0 | | | | | | | | | 35,0 | 20,0 | 25,0 | 20,0 |
| 6 | Дам олиш чорпоялар барпо этиш харажатлари | 60.0 | | | | | | | | | 20,0 | 15,0 | 10,0 | 15,0 |
| **Жами** | | | **81.9** | | | | **110.0** | | | | **255.0** | | | |
| ***Жами киритиладиган инвестиция миқдори*** | | | | | | | | ***446.9*** | | | | | | |

## МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

**Жадвал № 5. Лойиха харажатларининг молиялаштириш манбаалари**

| № | Номланиши | Жами харажат | Кредит хисобидан | | Шахсий маблаг хисобидан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | % | сум | % | сум |
| 1 | Комплекс атрофини ўраш | 81 900 000 | % | | % | 81 900 000 |
| 2 | Чорва ва боқиш бинолари харажати | 110 000 000 | % | | % | 110 000 000 |
| 3 | Мева боғларини барпо этиш харажати | 45 000 000 | % | | % | 45 000 000 |
| 4 | Писта ва бодом боғи барпо этиш харажати | 50 000 000 | | | | 50 000 000 |
| 5 | Ўтов мехмонхоналар барпо этиш харажати | 100 000 000 | | | | 100 000 000 |
| 6 | Дам олиш чорпоялар барпо этиш харажатлари | 60 000 000 | | | | 60 000 000 |
| **Жами** | | | **%** | **0** | **%** | **446 900 000** |
| ***Ялпи инвестицион харажат*** | | | | | | **446 900 000** |
| ***Харажатларни молиявий манбаалари*** | | | | | | |
| ***Кредит маблаглари хисобидан хариди режалаштирилган мулк*** | | | | ***0%*** | | |
| ***Шахсий маблаг хисобидан хариди режалаштирилган мулк*** | | | | ***100%*** | | **446 900 000** |

## ЛОЙИҲА ОЛДИ ҲАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 6. Лойиҳа олди молиявий ҳаражатлари**

| № | Номланиши | Хисоб базаси (сум) | Хисоб нормаси (% хисобида) | Ҳаражат суммаси |
|---|---|---|---|---|

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Хужжатларни расмийлаштириш учун нотариус тўловлари | 446 900 000 | % | 4 460 000 |
| 2 | Суғурта тўлови | 446 900 000 | % | 2 230 000 |
| 3 | Бизнес режанитайёрлаш ҳаражатлари | 446 900 000 | % | 1 500 000 |
| **Жамилойихаолдимолиявий ҳаражатлари** | | | | **8 190 000** |

*Изоҳ: Лойиҳа олди молиявий харажатлар тадбиркорнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Замонавий мехмонхона ва махсулот этиштириш фаолиятини ташкил этиб, қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- Мехмонхона хизмати;
- Дам олиш маскани хизмати;
- Олма;
- Нок;
- Шафтоли;
- Ўрик;
- Хурмо;
- Гилос;
- Писта;
- Бодом;
- Сут;
- Қаймоқ;
- Гўшт;

Хизмат кўрсатиш ва махсулот етиштиришнинг ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

**Жадвал № 7. Йиллик ишлаш қуввати хажми ва нархи.**

| Хизмат номи | Хажми | Нархи |
|---|---|---|
| Мехмонхона | 312 | 80 000 |
| Дам олиш маскани | 312 | 40 000 |
| Олма | 4 500 | 6 000 |
| Нок | 3600 | 8 000 |
| Шафтоли | 3250 | 12 000 |
| Ўрик | 4000 | 6 000 |
| Хурмо | 4000 | 8 000 |
| Гилос | 12600 | 15 000 |
| Писта | 5400 | 35 000 |
| Бодом | 13 500 | 30 000 |

| | | |
|---|---|---|
| Сут | 24 960 | 3 000 |
| Қаймоқ | 2496 | 20 000 |
| Гўшт | 8100 | 55 000 |

*Изоҳ: Маҳсулот нархлари аҳоли ва хорижий мехмонларнинг талаблари асосида мақбул нархларда келтирилган бўлиб, эрталабки нонушта, бепул wifi ва кир тозалаш хизматлари ўз ичига олади.*

## КОРХОНАНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

**Жадвал № 8. Йиллик хизма кўрсатиш ва махсулот етиштириш қуввати**

| № | Хизмат кўрсатиш номи | Ойлик махсулот сони | 1 йиллик хизмат ва махсуло микдори | Махсулот ва хизмат нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Мехмонхона | 52 | 312 | 80 000 |
| 2 | Дам олиш маскани | 375 | 4 500 | 40 000 |
| 3 | Олма | 300 | 3600 | 6 000 |
| 4 | Нок | 271 | 3250 | 8 000 |
| 5 | Шафтоли | 333 | 4000 | 12 000 |
| 6 | Ўрик | 333 | 4000 | 6 000 |
| 7 | Хурмо | 1050 | 12600 | 8 000 |
| 8 | Гилос | 3375 | 40500 | 15 000 |
| 9 | Писта | 450 | 5400 | 35 000 |
| 10 | Бодом | 1125 | 13500 | 30 000 |
| 11 | Сут | 208 | 2496 | 3 000 |
| 12 | Қаймоқ | 675 | 8 100 | 20 000 |
| 13 | Гўшт | 52 | 312 | 55 000 |

## КОРХОНА ҲАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 9. Жами таннарх жаражатлар.**

| № | Номланиши | 1 кунлик | 1 ойлик | 1 йиллик |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Минерал ўғит | 400 000 | 5 200 000 | 31 200 000 |
| 2. | Транспорт ҳаражатлари | 250 000 | 6 500 000 | 78 000 000 |
| 3. | Боғ парвариши харажатлари | 3 000 000 | 78 000 000 | 234 000 000 |
| 4. | Мехмонхона харажатлари | 50 000 | 1 300 000 | 10 400 000 |
| 5. | Чорва харажатлари | 950 000 | 24 700 000 | 296 400 000 |
| 6. | Бошқа харажатлар | 900 000 | 23 400 000 | 280 800 000 |
| **Жами:** | | **5 550 000** | **139 100 000** | **930 800 000** |

Корхона фаолияти давомида хизмат кўрсатиш учун бир йилда жами **634 400 000** сўмлик хом ашё сотиб олишни режалаштирган.

## ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ МАОШИ ХИСОБИ

**Жадвал № 10. Штат жадвали**

| № | Лавозими | Сони | Урта хисобда ойлик маош | Жами бир ойлик харажат | Жами биринчи йиллик |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Директор | 1 | 1 500 000 | 1 500 000 | 18 000 000 |
| 2. | Ҳисобчи | 1 | 1 300 000 | 1 300 000 | 15 600 000 |
| 3. | боғбон | 3 | 1 100 000 | 3 300 000 | 39 600 000 |
| 4. | Чорва ишчилари | 3 | 1 000 000 | 3 000 000 | 36 000 000 |
| 5. | Мавсумий ишчилар | 30 | 800 000 | 24 000 000 | 72 000 000 |
| **Жами** | | **38** | **5 700 000** | **33 100 000** | **181 200 000** |

*Изох:* Ишчи ходимларни иш хаки корхонани молиявий холатидан келиб чикиб, ўзгариб туради. Ушбу холат тадбиркор томонидан амалга оширилади.

Иш ҳақидан ойлик ажратмалари (12%) хисоб китобини куриб чиқамиз:

**Жадвал № 11. Умумий иш ҳақи харажатлари**

| № | Номланиши | 1 ой | 1 йил |
|---|---|---|---|
| 1. | Иш ҳақи | 33 100 000 | 181 200 000 |
| 2. | Иш ҳақидан 12 % ажратма | 3 972 000 | 21 744 000 |
| **ЖАМИ:** | | **37 072 000** | **202 944 000** |

Корхона туристик хизмат кўрсатиш комплекси фаолиятини ташкиллаштириши натижасида жами 8 та янги доимий иш ўрни ва 30 та мавсумий иш ўринлари яратишни режалаштирган бўлиб, фаолият ташкиллаштирилгандан кейин ишчи ва ходимларга йилига жами **202 944 000** сўм маош тўлашни режалаштирган. Бу эса ҳудуд аҳолисининг ижтимоий аҳволи яхшиланишига ўз ҳиссасини қўшади.

## КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР ХИСОБИ

**Жадвал № 12.**

| № | Номланиши | Ўл. бир | Нарх и | Кунлик харажат | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Электр энергияси | Квт | 1 586 | 35 | 55 510 | 1 443 260 | 17 319 120 |
| | **Жами:** | | | | **55 510** | **1 443 260** | **17 319 120** |

## ЖАМИ ҲАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

**Жадвал № 13.**

| № | Номланиши | 1-ойда | 1-йилда |
|---|---|---|---|

| | | (сўм) | (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | Хом-ашё | 139 100 000 | 930 800 000 |
| 2 | Маош харажатлари | 33 100 000 | 181 200 000 |
| 3 | Коммунал тўловлари харажатлари | 1 443 260 | 17 319 120 |
| | **Жами:** | **173 643 260** | **1 129 319 120** |

# КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ

## БИР ЙИЛ ДАВОМИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРДАН ТУШГАН ТУШУМ

**Жадвал № 14. Хорижий мехмонларга кўрсатилган хизматдан тушган тушум**

| **№** | **Номланиши** | **Жами йиллик махсулот хажми** | **нархи (сўмда)** | **1 йиллик** |
|---|---|---|---|---|
| **Маҳаллий аҳоли** | | | | |
| 1. | Мехмонхона | 312 | 80 000 | 24 960 000 |
| 2. | Дам олиш маскани | 312 | 40 000 | 12 480 000 |
| 3. | Олма | 4 500 | 6 000 | 27 000 000 |
| 4. | Нок | 3600 | 8 000 | 28 800 000 |
| 5. | Шафтоли | 3250 | 12 000 | 39 000 000 |
| 6. | Ўрик | 4000 | 6 000 | 24 000 000 |
| 7. | Хурмо | 4000 | 8 000 | 32 000 000 |
| 8. | Гилос | 12600 | 15 000 | 189 000 000 |
| 9. | Писта | 5400 | 35 000 | 189 000 000 |
| 10. | Бодом | 13500 | 30 000 | 405 000 000 |
| 11. | Сут | 24960 | 3 000 | 74 880 000 |
| 12. | Қаймоқ | 2496 | 20 000 | 49 920 000 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 13. | Гўшт | 8100 | 55 000 | 445 500 000 |
| **Жами:** | | | | **1 541 540 000** |

Ташаббускор хизмат кўрсатиш ва маҳсулот етиштириш фаолиятини 100% амалга ошириши давомида биринчи йилда **264 492 166** сўм соф фойда қилишни режалаштирган, бу режалар энг кам даромад ва энг кўп ҳаражат тахминлари асосида хисобланган бўлиб, корхона амалда янада кўпроқ соф фойда кўришни режалаштирган.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли **“Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонининг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Тадбиркор ______________________________ томонидан лойиҳа суммаси кредит маблағлари ва ўзининг шаҳсий маблағлари хисобидан шакллантирилади.

- Кўзаланган лойиҳа асосида аҳолига юқори сифатли туристик хизматлар кўрсатилиб, **8 та** янги доимий иш ўрни хамда **30** мавсумий иш ўринлари яратилади

Ходимларининг бир йилда иш ҳақи **33 100 000** сўмни ташкил этади

Давлат бюджетига бир йилда **83 405 600** сўм бюджет тўловлари тўланади

Хизмат кўрсатиш ва махсулот етиштиришдан тушган тушумлар бир йилда **1 541 540 000** сўмни ташкил этади.

Тадбиркор бир йилда **264 492 166** сўм соф фойда қилади.

Туристларга ва маҳаллий аҳолига туристик хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона фаолияти даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни курсатмокдаги лойиханинг биринчи йилдаги соф рентабеллик даражаси ялпи хисобда ўртача **17%** ни ташкил килмокда.

Хулоса килиб айтганда, юкоридаги маълумотларни хисобга олиб лойиха тижорий самарадор, баркарор деб бахоланади, ахолини иш билан таъминланиш даражаси ошади, бир қанча оиланинг ижтимоий ахволи яхшиланади ва фаолиятни амалга ошириш учун ер майдони ажратилиши мухим ва мулжалланган максадлар

ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга кодирлиги билан ер майдони олиш лозимлигини курсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, ҳудуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз ҳиссасини қўшади.

**Ташаббускор:Омонов Н.Т (имзо) ________ «____» ________ 2021 й.**

м.ў.